O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 21 март, шанба • № 23 (11.006) • Эркин нархда сотилади

# НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ***

## 1998 — 2000 ЙИЛЛАРДАГИ ДАВРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни шакллантириш, мулкий пайлар ва оилавий пудрат тизимини жорий этиш асосида қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:

1. 1998 — 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури маъқуллансин.

2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид ушбу дастурнинг бажарилишини назорат қилувчи республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси ҳар чоракда дастур қандай бажарилаётганлиги якунларини чиқариб, унинг натижалари тўғрисида республика ҳукуматига маълум қилиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу дастурни амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида ҳудудлар бўйича дастур қоидаларини амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. 1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури бажарилишини таъминлаш учун вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва вилоятларнинг ҳокимлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

6. Дастурнинг бажарилиши ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида муҳокама қилиб борилсин.

7. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 18 март.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 март куни Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётганини қайд этиб, Ўзбекистон-АҚШ икки томонлама комиссиясининг яқинда Америкада бўлиб ўтган сессиясига тўхталди.

—Сессиянинг юқори савияда ўтиши ва ҳар томонлама фойдали бўлишида сизнинг ҳам катта хизматингиз бор, — деди Президент. — Энг муҳими, ҳар икки мамлакатда ҳам ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилишлар муштаракдир.

АҚШ элчиси қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон-Америка муносабатлари ривожига ҳисса қўшишдан ҳамиша фахрланишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**



*Байрамингиз билан, онажон!*
*Тўлқин КАРИМОВ сурат-лавҳаси.*

## ҚАДРДОНЛАРНИ ЙЎҚЛАБ

***ҚАДРДОНЛАРИНИ йўқлаб, соғинганларни йўқлаб, барча — ўз йўлига илҳақ, интизор бўлганларни йўқлаб кўклам келди. Қандай чиройли бу кўклам деган сўз ва худди табиатнинг ўзидай, унинг айни яшараётган палласидай кўркам! Сўзларимиз яшноқ табиатнинг ўзидан туғилган, унинг ўзидан, ранглари ва ҳаракатларидан бичим олган, маъно топган.***

Кўклам — яшамоқ маконларининг очилиши, кенгликларнинг кенгайиши — Ер, Қуёш, Ой, Само, Буржлар, Сомон йўли ва ҳаммаҳаммасининг Инсон билан бир бутун бўлиши, уйғунлик касб этиши.

Наврўз энг гўзал байрам. Байрамларнинг байрами! Одам боласининг табиатдан нажот оладиган кунлари, дамлари.

Янги давлат қураётган халққа бу байрам қанчалар ярашади. Давлат бошлиғимиз лутф қилиб айтганидай, у бизнинг озодлигимиз, бахт-саодатимиз, миллий қадриятларимизнинг рамзи.

Мустақил Ўзбекистон ҳар йил ўз умумхалқ байрамига катта тайёргарлик кўради. Наврўзни наврўз қилмоқлик учун, Наврўзни ҳаёт ва тирикликнинг шукрона байрамига айлантирмоқлик учун чинакам ҳақ қозонади — МАЪНАВИЙ ҲАҚ ҚОЗОНАДИ.

Биз яшариш ва тикланишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Кўришни истаган одам албатта кўради. Кейинги етти йил ичида Ўзбекистон қанчалар ўзгарди. Ўзгаришлар фақат пойтахтимиз ёки вилоятларимиз марказларинигина эмас, бутун Ўзбекистонни, унинг барча қишлоқ-уваларини қамраб олган. Бирин-сирин бирбиридан кўркам муҳташам саройлар, янгидан янги корхоналар, ўта замонавий билим ва маданият масканлари, шифо ва саломатлик даргоҳлари қад ростламоқда. Кўкка бўй чўзиб бораётган бу улкан қурилишлар мамлакат ҳуснига ҳусн қўшмоқда, унинг келажак қудратидан дарак бермоқда. Халқимиз аста-секин фаол қурилишлар ичига кирмоқда. У энди ўз қурилишларининг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди ва ҳақиқий яратувчиси, ҳақиқий бинокорига айлана бормоқда. Халқ шунчаки ўсмайди, шунчаки тараққий қилмайди. Балки мана шундай ранг-баранг қурилишлар ичида ўсади ва тараққий қилади. Қурилишлар қилақила у моҳир халққа айланади.

Мендан, сиз кўкламда, кўкламнинг шу муборак наврўзий кунларида нима тилаган бўлар эдингиз? — деб сўрасалар, даставвал халқимнинг шундай моҳир халқ бўлиб етилишини, моҳир халқ бўлиб жаҳонга чиқишини, моҳир халқ бўлиб ўз келажагига кириб боришини тилаган бўлар эдим. Иншоаллоҳ, тилагимизга яқин келажакларда етгаймиз. Чунки кўриб турибман: халқ оламнинг боришига қулоқ соляпти, оламнинг ҳаракатини кузатяпти ва ўз қадамларини шунга яраша мосляпти. Жўн, жайдари, узоқни кўзламайгина, фақат бир қарич қадамини кўзлаб яшаш майлларидан қутуляпти. Кўриб турибмиз-ку, халқ ҳаммадан кўп нимани соғинаётганлигини! Болаларига ўқишни соғиняпти! Болаларини замон даражасида, жаҳон савияси даражасида билимли, кордон мутахассис бўлиб етишмоқликларини соғиняпти халқ! Ўқишни соғиниш, билим, фан соҳаларини соғиниш — назаримда ўша моҳир халқ бўлмоқликни соғиниш ва шунга жон-жаҳд билан интилиш белгисидир.

Мамлакат Президенти оила ғоясини илгари сурди. Кўрмайдиганлар, кўришни истамайдиганлар ҳам кўряпти энди: халқ бутун жамулжам бўлиб бу ғояни илғаб олди. Унинг остида қанчалар миллий жиҳатдан муҳим ҳаёт кенгликлари уфқ ёйиб келаётганлигини билди, англади. Оиласини яшариш, тикланиш муҳитига олиб киришга аҳд қилди. Бугун халқ ўртасида оила масалалари бунчалар кенг, ҳар томонлама назардан ўтказилаётгани, оилалар тўғрисида янгича тушунчалар ҳосил этилаётгани, янгича қарашлар тарбияланаётгани турмушнинг сифат ўзгаришларини бошлаб келади. Биз учун оила — биринчи университет эканлигини теранроқ англаб етяпмиз. Биз токи шу оила университетини мукаммал эгалламас эканмиз, бошқа университетларни муваффақият билан тугаллаб чиқа олмаймиз. Оила университети бизни ҳар доим парвозга шайлайди. Бизга парвоз майдони яратади. Мукаммал оилада етишган инсон кам бўлганлигини ҳеч ким кўрган эмас. Ҳаёт ҳар қанча мураккаб бўлганда ҳам, оилада олинган тарбия ва сабоқлар бирламчидир. Етакчи қимматга эгадир.

Бизнинг энг қаттиқ диққат қўйишимиз керак бўлган соҳа бу — оила. Муттасил рамзимизни қўйганда, унинг сирларини эгаллаймиз. Президент ғоясининг қиммати шунда. Оилани миллий тикланишимизнинг биринчи, бош ҳалқаси деб қарай бошлаганимиз — халқнинг ҳаётий моҳирлик касб эта билмоғи ва эта бормоғида илк қадимдир. Бинобарин, биз фақат оила кенгликларидан ўтиб борибгина жаҳон кенгликларига чиқамиз, дунё ва коинот кенгликларини ўзимиз учун кашф этамиз. Шунда само кенгликларига термула-термула юлдузларни очган, уларнинг ҳаракат қонуниятларини кузатган ва ўз халқига кузатиш илмини қолдирган буюкдан буюк Улуғбекка муҳаббатимиз қуруқ сўз бўлиб қолмайди. Халқимизнинг ярми ўз суюкли фарзандларини Улуғбек деб номлаган. Ҳамиша номларга муносиб бўлмоқ саодатини яратайлик. Самодан Наврўзнинг қандай тушиб келишини барчадан илгари кузатган Улуғбекдек илм самоларини эгаллайлик.

Аждодларимиз бизга, дамлар ғанимат ва айниқса кўклам ғанимат, деб ўргатиб кетганлар. Катта меҳнат қилолган, катта меҳнатга ўрганган халқ катта байрам ҳам қилаолади. Катта меҳнати билан байрам қилмоқ маънавий ҳақини қозона олади.

Ғанимат дамлардан фаровонлик неъматларини яратади.

Бу бизнинг баҳоримиз. Тушуняпсизми, бизнинг баҳоримиз!

Толенинг қуйма олтиндай ноёб шу дамлари барчамизга муборак бўлсин!

***Иброҳим ҒАФУРОВ.***

## вилоят ҳаёти

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### МУҲОКАМАДА — "ОИЛА КОДЕКСИ"

***КУНИ кеча вилоят ҳокимлигида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Оила Кодекси» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Йиғилишда шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими мудирлари, шаҳар ва туманлар халқ судьялари, маҳаллалар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси судьялар уюшмаси раиси, «Оила Кодекси» лойиҳасини тайёрловчи ишчи гуруҳи аъзоси Абил Тўхташев лойиҳани шарҳлаб берди.

Лойиҳа муҳокамаси юзасидан Бекобод шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Шарипова, Ўртачирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири Д. Ишпулатова, Паркент тумани халқ суди раиси Ш. Шарипов, Ангрен шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири Б. Матаевалар сўзга чиқдилар.

Шунингдек, йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бош консультанти Раъно Ҳақбердиева, "Ҳимоя" ҳуқуқ маркази раҳбари Мунира Самарҳўжаева, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи муовини Зуҳра Азимовалар ҳам лойиҳа муҳокамасига доир ўз фикрларини билдирдилар ҳамда иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

***Зулхумор ЖЎРАЕВА.***

### ДАСТУРХОНДА... "ШАФФОФ"

***ЯНГИОБОД шаҳрида жойлашган бу қўшма корхонанинг маҳсулоти харидоргир бўлмоқда. Таркибида кумуш, калций, магний ва бошқа моддалар бўлган шифобахш оби-ҳаёт вилоятимизнинг барча шаҳарлари ва қишлоқларига етказиб бера бошланди.***

"Аква-Fooде имплекс" деб аталувчи корхонани ўзбек ва инглиз тадбиркорлари ҳамкорликда барпо этдилар. Соатига 1200 литр шифобахш тоғ сувини идишларга қуядиган асбоб-ускуналар Хитойдан келтирилди.

Наврўз арафасида корхона жамоаси маҳсулотнинг яна бир янги турини тайёрлашни ўзлаштирди. Шифобахш сув бир литр ҳажмли идишларда чиқарила бошланди.

***А. ДАВРОНОВ.***

### СОВРИН ГУЛСИНАДА КЕТДИ

***НАВРЎЗ байрами кунлари Ангрен шаҳрининг Нуробод қўрғонида "Назокатли аёл" танлови бўлиб ўтди.***

Тадбирни қўрғон фуқаролар йиғини раиси Жалолиддин Алиев очиб, оила йилида олиб бориладиган ишлар ва унинг таркибида ташкил этилаётган бундай танловларнинг аҳамияти ҳақида қисқача гапирди.

Танловда иштирок этган беш нафар оила соҳибаси муомала маданияти, фарзанд тарбияси, пазандачилик каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Унда энг юқори бал тўплаб, томошабинлар меҳрини қозонган Гулсина Жўраева ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни Наргиза Бойғозова, учинчи ўринни эса Машкура Турсуновалар қўлга киритишди. Ғолибларга тадбирда ҳомийлик қилган "Достон" хусусий савдо дўконининг эсдалик совғалари топширилди.

***Қумринисо ЭРАЛИЕВА.***

### БИНОКОРЛАР ТОРТИҒИ

• ЧИРЧИҚЛИК бинокорлар кутлуғ айёмни муносиб тортиқлар билан кутиб олишди. Байрам арафасида 60 хонадонли кўп қаватли уй қуриб битказилди.

### ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ БАРПО ЭТИЛДИ

• ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатида кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Яқинда шундай буюмлар тайёрловчи яна бир цех барпо этилди. Унда комбинат ишчи-хизматчилари учун коржомалар, шунингдек, бошқа тикувчилик буюмлари тикилади.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Наврўз байрамини умумхалқ сайллари мақомида ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилди. Кўчалар ва хиёбонлар тартибга келтирилиб, маҳаллаларда ободончилик ишлари олиб борилди. Умумхалқ ҳашарларида минглаб одамлар иштирок этишди. Жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Эрта тонгдаёқ биз вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги жамоатчи мухбирларимиз билан телефон орқали боғланиб, байрам тантаналари ҳақидаги маълумотларни олдик.

• ЗАНГИОТА. Марказий сайлгоҳда "Табиат шайдолари хиёбони"нинг очилиш маросими ўтказилади. Бу кўргазмада сайроқи қушлар, "қўлбола" балиқлар, табиий жисмлардан тайёрланган санъат асарлари намойиш этилади. Унда мактаб ўқувчилари, ҳаваскор ва ишқибозлар ўз касб-ҳунарларини томошабинлар эътиборига ҳавола этадилар. Кўргазма ўша кундан эътиборан доимий фаолият кўрсатади.

• БЎКА. 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун катта байрам дастурхони ёзилади. Дастурхонга турли ноз-неъматлар, кўкатлардан тайёрланган таомлар билан бир қаторда Наврўз туҳфаси сумалак ҳам тортилади.

Туман марказидаги ўйингоҳда спортнинг бокс, футбол, миллий кураш турлари бўйича мусобақалар бўлади.

• ОҲАНГАРОН. "Камолот" жамғармаси томонидан туманда яшовчи 29 та кам таъминланган оила ва 22 нафар етим болалар байрам дастурхонига таклиф этиладилар. Уларнинг ҳар бирига янги кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадя этилади.

• БЕКОБОД. Туман "Камолот" жамғармаси педагогика билим юртида таҳсил олаётган уч нафар етим қизларга жамғарма томонидан таъсис этилган махсус стипендияларни топширади. "Зафар" қўрғонида байрам томошалари намойиш этилади. Унда ўқувчиларнинг "Ниҳол" ижодий уйи қошидаги қўғирчоқ театри ўзининг "Бўғирсоқ" спектакли билан иштирок этади.

• ОЛМАЛИҚ. Шаҳар марказидаги Амир Темур кўчасида ёшларнинг "Самовий нур" маданий марказининг очилиш маросими бўлади. Бу марказ ёшларга маданий ва маърифий хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шу куни ҳунар-техника билим юртлари ўртасида вилоят биринчилиги сифатида "Камолот" кубоги учун бакетбол мусобақалари бўлиб ўтади.

• ТОШКЕНТ. Тумандаги барча маҳаллаларда катта сумалак сайли ўтказилади. Бу ерда байрам дастурхони ёзилиб, унга Наврўз таомлари тортилади. Пазанда онахон ва опахонларимиз ўз билим маҳоратларини намойиш этадилар. Барча ҳаваскорлик жамоалари махсус тайёрланган концерт дастурлари билан байрам шодиёналарига файз киритадилар.

ХУДДИ ШУНДАЙ, Наврўз тантаналарига бағишланган кўнгилочар кечалар, сайллар, спорт ва маданий-маърифий тантаналар вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилган.

***Телефон ёнида Жўра МАҲМУД ва Шавкат ТУРОБ навбатчилик қилишди.***

